



ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙДАН ОЛИНГАН АШЁВИЙ ДАЛИЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Нуриддинов Саидолим Саидкамол ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика

бош маркази бошлиғи, ю.ф.б.ф.д. (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21218700>

Аннотация. Мазкур мақолада ҳодиса содир бўлган жойдан олинган ашёвий далилларнинг процессуал аҳамияти эксперт-криминалист нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Бунда ашёвий далилнинг далилий қиймати фақат унинг моддий мавжудлиги билан эмас, балки уни қонуний асосда аниқлаш, қайд этиш, олиш, қадоқлаш, сақлаш, эксперт текширувига юбориш ва судда баҳолаш жараёнининг узлуксизлиги билан белгиланиши лозимлиги келтириб ўтилган

Калит сўзлар: ҳодиса жойи, ашёвий далил, жиноят процесси, исбот қилиш, далиллар мақбуллиги.

Жиноят процессида ҳақиқатни аниқлашнинг муҳим шарти — иш учун аҳамиятли фактик маълумотларни қонуний, холис ва илмий асосда тўплашдир. Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган ашёвий далиллар бу жараёнда алоҳида ўрин тутади, чунки улар кўп ҳолларда шахс, жой, буюм, ҳаракат ва воқелик ўртасидаги объектив боғлиқликни акс эттиради. Шу маънода ашёвий далил тергов тусмолларини шакллантириш, кўрсатувларни текшириш, гумонни асослаш ёки рад этиш, экспертиза тайинлаш ва судда исботлов базасини баҳолашда муҳим манба ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида далил ижтимоий хавfli қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, уни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлашга асос бўладиган фактик маълумотлар сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида исбот қилиш далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат экани, далиллар эса кўздан кечириш, олиб қўйиш, экспертиза тайинлаш, намуналар олиш, тақдим этилган ашёларни қабул қилиш каби процессуал ҳаракатлар орқали тўпланиши кўрсатилган [1]. Ҳодиса жойида ашёвий далилни топишнинг ўзи етарли эмас, яъни унинг процессуал қиймати қонун билан белгиланган тартибга мувофиқ қайд этилиши ва кейинги текширувларга яроқли ҳолда сақланиши билан юзага келади.



Сўнги йилларда жиноятчиликда рақамли технологиялар, биометрик маълумотлар, синтетик моддалар, янги турдаги қурилмалар ва мураккаб коммуникация воситаларидан фойдаланиш кенгайди. Шу сабабли Ўзбекистонда эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий фан ва техниканинг илғор ютуқлари асосида такомиллаштириш, криминалистик ахборот-қидирув тизимлари ва лаборатория имкониятларини ривожлантириш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Ашёвий далиллар жиноят процессида икки хил табиатга эга: бир томондан, улар моддий объект ёки из сифатида криминалистик ахборотни сақлайди; иккинчи томондан, улар фақат процессуал тартибга риоя этилган ҳолда олинган тақдирдагина далил сифатида ҳуқуқий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми далиллар мақбуллигига оид тушунтиришларида далил тегишли субъект томонидан, қонунда назарда тутилган манбадан, процессуал ҳаракат тартибига риоя этилган ҳолда олинган бўлиши ва уни олиш жараёни ҳамда натижалари қонун талабларига мувофиқ қайд этилиши лозимлигини таъкидлайди [2].

Шунинг учун ашёвий далилларнинг процессуал аҳамиятини баҳолашда “топилди” деган ҳолат эмас, балки “қандай топилди, қандай қайд этилди, қандай сақланди ва қандай текширилди” деган саволлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Криминалистика назариясида ашёвий далиллар жиноят ҳодисасининг моддий акс-садоси сифатида қаралади. Излар, буюмлар, биологик намуналар, микрозарралар, ҳужжатлар ва рақамли маълумотлар муайян воқеликнинг моддий ёки ахборот белгиларини сақлайди. Аммо криминалистик ахборотнинг ўзи автоматик равишда процессуал далилга айланмайди. Унинг далилий мақоми қонун доирасида тўпланиши, текширилиши ва баҳоланиши орқали шаклланади.

Ўзбекистондаги криминалистика ва суд экспертизаси адабиётларида ашёвий далилларнинг тергов версияларини текширишдаги, шахсни ҳодиса жойи билан боғлашдаги ва эксперт текшируви орқали объектив маълумот олишдаги аҳамияти алоҳида таъкидланади. Мазкур ёндашув ашёвий далиллар билан ишлашни ягона методик жараён сифатида кўриш имконини беради.

Суд-экспертлик фаолияти нуқтаи назаридан ашёвий далилнинг илмий қиймати унинг информативлиги, сақланганлик даражаси, келиб чиқиш



манбасини аниқлаш имконияти, идентификация ёки диагностика вазифасини ҳал қилишга яроқлилиги билан белгиланади.

Бироқ процессуал қиймат бундан кенгроқ тушунчадир: объект эксперт текширувига яроқли бўлиши билан бирга, судда унинг манбаси, олиниш тартиби, сақланиши ва текшириш натижалари қайта баҳоланиши мумкин бўлиши керак.

Миллий олимлардан Ғ.А. Абдумажидов, И.Р. Астанов, С.И. Латипов, Ф.Б.Собиров, А.Д. Хусанов ва бошқа тадқиқотчилар криминалистика, суд экспертизаси ва жиноят процессида махсус билимлардан фойдаланиш масалаларига ўз ҳиссасини қўшган олимлар сифатида тилга олинади. Уларнинг умумий илмий йўналиши жиноят процессида далиллар билан ишлашда қонунийлик, илмий асосланганлик ва амалий самарадорлик уйғунлигини таъминлаш заруратини кўрсатади.

Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилиги ашёвий далилларга аниқ ҳуқуқий мақом беради. ЖПКнинг 203-моддасига кўра, келиб чиқиши, кимга тегишлилиги, маълум мақсадларда фойдаланилганлиги, қўлдан-қўлга ўтганлиги, жойи ўзгарганлиги, муайян модда, нарса, жараён ёки ҳодиса таъсирига учраганлигини аниқлаш мумкин бўлган физикавий аломатлар ёки белгиларга эга бўлган нарса ашёвий далил ҳисобланади [1]. Ушбу таъриф ашёвий далилнинг моҳиятини белгилар ва аломатлар орқали ахборот бериш қобилияти билан боғлайди.

Ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлинмалари амалиётида ҳодиса жойидан олинган ашёвий далилларнинг процессуал аҳамияти, аввало, уларнинг қонуний манба сифатида шаклланишида намоён бўлади. Масалан, қўздан кечириш жараёнида аниқланган қўл-бармоқ изи, биологик намуна, ўқ-гильза, микроиз, ҳужжат ёки рақамли ахборот ташувчи қурилма баённомада аниқ тавсифланмаса, унинг кейинги эксперт текширувидаги натижаси судда ишончли баҳоланиши қийинлашади. Шу сабабли объектнинг жойлашуви, ҳолати, ўлчами, ранги, ташқи белгилари, топилган шароити ва олиш усули алоҳида қайд этилиши лозим.

Иккинчи муҳим жиҳат — ашёвий далилнинг исбот қилишдаги вазифавий роли. У шахснинг ҳодиса жойида бўлган-бўлмаганлигини, муайян буюмдан фойдаланган-фойдаланмаганлигини, ҳаракат механизмини, ҳодиса содир бўлган усулни, вақт ва шароитни, объектлар ўртасидаги сабабий ёки изли боғлиқликни аниқлашга хизмат қилади. Бу



ҳолат терговчи учун версияларни саралаш ва экспертиза саволларини тўғри қўйишга ёрдам беради.

Учинчи жиҳат — ашёвий далилнинг эксперт текширувига яроқлилиги. Ҳодиса жойида наmunани нотўғри олиш, қўл билан тегиш, намлик ёки ҳарорат таъсири, ифлосланиш, бир нечта объектни бир идишга жойлаштириш, маркировкаани аниқ қўймаслик каби ҳолатлар объектнинг тадқиқот қийматини пасайтиради. Бу айниқса ДНК, дактилоскопия, трасология, баллистика, кимёвий ва рақамли экспертиза объектларида муҳим.

Тўртинчи жиҳат — криминалистик ҳисоблар ва ахборот-қидирув тизимларидан фойдаланиш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилдаги ПҚ-122-сон қарорда автоматлаштирилган криминалистик ахборот-қидирув тизимлари ва маълумотлар базаларини яратиш, рақамли экспертиза имкониятларидан фойдаланиш, биометрик маълумотлар асосида автоматлаштирилган идентификация тизимларини қўллаш, ашёвий далиллар тадқиқотининг янги турларини жорий этиш устувор йўналишлар сифатида белгиланган [3]. Бу ёндашув ҳодиса жойидан олинган далилларни фақат алоҳида объект сифатида эмас, балки марказлашган ахборот тизимларида текшириладиган криминалистик ресурс сифатида баҳолашни талаб қилади.

Бешинчи жиҳат — судда баҳолаш имконияти. Суд ашёвий далилнинг қайси шароитда олингани, унинг ишга қандай қўшилгани, сақлаш тартибига риоя этилгани, эксперт текшируви билан боғлиқлиги ва бошқа далиллар билан ўзаро мувофиқлигини текшириши лозим. Шу нуқтаи назардан ашёвий далил судда мустақил “моддий объект” эмас, балки процессуал тарихга эга бўлган исботлов манбаи сифатида баҳоланади.

Халқаро амалиётда ҳодиса жойидан олинган ашёвий далиллар билан ишлашда асосий эътибор учта талабга қаратилади: ҳодиса жойини сақлаш, далилни ўзгармаган ҳолда қайд этиш ва унинг ҳаракат занжирини узлуксиз ҳужжатлаштириш. Яъни ҳодиса жойида биринчи бўлиб ҳаракат қилувчи ходимлар ва бошқа иштирокчилар учун далилларни сақлаш ва нотўғри ҳаракатларнинг оқибатларини тушунтиришга қаратилган. Бу ёндашув биринчи ҳаракатнинг ўзи кейинги эксперт текшируви тақдирини белгилашини кўрсатади.

Илғор хорижий тажрибаларни шуни кўрсатадики, ашёвий далилнинг ҳақиқий қиймати лабораторияда эмас, балки ҳодиса жойида бошланади.



Лаборатория фақат тўғри аниқланган, тўғри олинган ва тўғри сақланган объектдан ишончли натижа бера олади.

Умуман олганда, ҳодиса содир бўлган жойдан олинган ашёвий далиллар жиноят процессида юқори процессуал аҳамиятга эга. Улар шахс, жой, буюм, ҳаракат ва воқелик ўртасидаги объектив боғлиқликни аниқлашда муҳим манба ҳисобланади. Бироқ ашёвий далилнинг далилий қиймати унинг моддий мавжудлиги билан эмас, балки унинг қонуний манба сифатида шаклланиш жараёни билан белгиланади.

Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилиги ашёвий далилларнинг тушунчаси, далилларни тўплаш ва исбот қилишнинг умумий шартларини белгилаб берилган бўлсада, ашёвий далилларни аниқлаш, қайд этиш, олиш, сақлаш, эксперт текширувига юбориш ва криминалистик ҳисоблардан текшириш бўйича янада аниқ, стандартлаштирилган ва рақамлаштирилган механизмларни талаб қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, эксперт-криминалистик фаолиятнинг жиноят процессидаги самарадорлиги ашёвий далилларнинг сифатли олиниши, процессуал жиҳатдан тўғри расмийлаштирилиши, исботланиши ва судда илмий асосда баҳоланишига бевосита боғлиқ. Шу сабабли ашёвий далиллар билан ишлашни стандартлаштириш, электрон тизимларини жорий этиш ва терговчи-эксперт-суд ўртасида ягона процессуал-методик ёндашувни шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Lex.uz миллий қонунчилик базаси. URL: <https://lex.uz/acts/111460>.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сон “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори. Lex.uz. URL: <https://lex.uz/docs/3895986>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-122-сон “Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Lex.uz. URL: <https://lex.uz/ru/docs/5851527>.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги “Суд экспертизаси тўғрисида”ги ЎРҚ-249-сон Қонуни. Lex.uz. URL: <https://lex.uz/docs/1633102>.